



ИСЛОМ МОЛИЯСИНИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИ

Жонимкулов Муроджон Ғайрат ўғли

Ўзбекистон Республикаси банк-молия академиями тингловчиси

Аннотация: Мақолада ислом молияси тизимининг халқаро молия бозорларидаги аҳамияти, унинг ривожланиш тенденциялари ва глобал молия тизимидаги интеграция жараёнлари таҳлил қилинади. Ислом молиясидаги асосий принциплар — рибо (судҳ)ни тақиқлаш, хатарларни тенг тақсимлаш ва активлар билан таъминланган молиявий операцияларни амалга ошириш орқали халқаро молия бозорларида барқарорлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш имкониятлари ёритилади. Шунингдек, исломий банклар, сукук (исломий облигациялар) ва исломий суғурта (такафул) бозорларининг ўрни ва улуши мисоллар асосида кўрсатилади.

Калит сўзлар: ислом молияси, халқаро молия бозорлари, сукук, такафул, рибо, активлар билан таъминланган молиялаштириш

Жаҳонда молия ва банк тизимларини муқобил молиявий воситаларни амалга киритиш орқали аҳолининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириш, молиявий хизматларни диверсификациялашга эътибор қаратилмоқда. Учинчи саноат инқилоби шароитида ислом молиясини кенг қўллаш муқобил молия тизими сифатида унинг яшовчанлигини намоён қилди. Ислом молиясини ривожлантириш индикатори (IFDI) кўра, «ислом молиявий хизматлар саноати жами активлари ҳажми 2021 йилда қарийб 4,0 трлн.АҚШ долларини ташкил этди, бу 2020 йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир»¹, Буюк Британияда ислом молиявий активлари 19,0 млрд.долларни, Швейцарияда 6,0

¹ <https://www.zawya.com/en/islamic-economy/islamic-finance-reports/icd-refinitiv-islamic-finance-development-report-2022-embracing-change-qxd3iat>

млрд.долларни ташкил этган. Ислом банкинг, ислом фондлари ва ислом капитал бозори тармоқларидаги барқарор ўсиш суръатлари муқобил молия муассасаларини ташкил этиш, молия бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришни тақозо этмоқда.

Сўнгги йигирма йилликда ислом молияси тизими жадал суръатлар билан ривожланиб, халқаро молия бозорларида муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Ислом молияси принциплари Шариат қоидаларига асосланиб, рибосиз молиялаштириш, рискларни шерикчилик асосида тақсимлаш ва реал активларга асосланган операцияларни амалга оширишни назарда тутди. Бу эса молиявий инқирозлар шароитида ҳам барқарорликни таъминлашда ислом молияси тизимини ўзига хос алтернатива сифатида кўрсатмоқда.

Молиявий фаолиятнинг исломий андозасигагина хос бўлган ушбу тушунчага оид илмий мулоҳаза ва мунозаралар доимо мусулмон олимлари диққат марказида бўлган. Бу эса бизга унинг бир қатор муҳим тамойилларини ажратиб олишимизга имкон беради (1-расмга қаранг)



1-расм. Молиявий фаолиятнинг исломий андозасини шакллантириш тамойиллари



– фойда ва зарарни тақсимлаш лойиҳанинг натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, бир тарафдан ўзаро шериклар ўртасида (мушорака битими), бошқа тарафдан эса инвестор ва тадбиркор ўртасида шаклланадиган инвестициявий муносабатлар ила амалга оширилади. Фойда ва зарарларни бўлишиб олиш ислом молиясининг энг адолатли ва уни ёрқин ифодаловчи тамойилларидан бири ҳисобланади.

– хатарларни тақсимлаш тамойили биринчи тамойилдан келиб чиқади, унинг мазмуни тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланган, фаолият давомида рўй бериши мумкин эҳтимолий хатарларни тақсимлаб олиш тўғрисида битимга келишиш зарурлигини англатади. Ислом молиясида хатарлар масаласи жуда кенг миқёсли тушунча ҳисобланади ва ўзаро суғурталаш муаммоларига ҳам тааллуқлидир.

– Пулнинг ўз-ўзича капитал сифатида тан олинмаслиги, бу ерда маблағ ишлаб чиқариш фаолиятига инвестиция қилинади ва у капиталга айланиши учун эгасининг ҳам иштирок этиши шарт бўлади, шундагина у воқеликда капиталга айланади. Инвестор муносабатнинг бошқа иштирокчилари билан баб-баравар, яъни шерик сифатида иштирок этсагина, даромад олиш учун муайян ҳуқуққа эга бўлади.

– Ислом молиясида муҳим тушунча - ссуда фоизи ундиришнинг ман этилганлиги масаласидир. Инвесторнинг фойда ва зарарни бўлишмай, муқаррар хатарга йўлиқмай, ссуда эвазига пули кўпайиши тақиқланган. Пул – фақат тўлов воситаси бўлиб, сотиш ҳисобига даромад олинадиган товар ҳисобланмайди.

Ислом молиясида чайқовона амалиётлар ман этилган, бунда бирор кишининг қийинчиликка тушиб қолиш вазияти сингари жиҳатларни ўз манфаати йўлида ишлатиш тушунилади. Аксарият тузиладиган битимлар унинг субъектларидан бирининг ортиқча хатарни зиммасига олиши ёки казино ўйинлари каби тасодифий даромад олишни ифодаловчи қимор ўйинларига дахлдор ҳисобланади.



Сукук – исломий облигациялар бўлиб, улар реал активлар билан таъминланади ва фоиз ўрнига активлардан келган ҳақиқий даромадга асосланади. Сукук бозори охирги ўн йилликда халқаро молия бозорининг энг тез ўсувчи сегментларидан бирига айланди. Масалан, 2023 йилда жаҳон бўйича сукук чиқарилиши ҳажми 180 млрд доллардан ошди.

Исломий молия институтлари қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ривожланмоқда:

- AAOIFI (Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions) — ислом молияси стандартларини ишлаб чиқади.
- IFSB (Islamic Financial Services Board) — халқаро назорат ва молиявий барқарорлик бўйича меъёрий ҳужжатлар тайёрлайди.
- ICD (Islamic Corporation for the Development of the Private Sector) — исломий молияни хусусий секторда қўллаб-қувватлайди.

Ислом молиясининг халқаро бозордаги ривожланиши бир қатор имкониятларни яратади:

- Барқарор молиявий ресурслар базасини кенгайтириш;
- ESG ва “яшил” молиялаштириш билан интеграция;
- Исломий молия инструментларига глобал талабнинг ортиши.

Бироқ муаммолар ҳам мавжуд: стандартларни глобал миқёсда бирхиллаштириш, ислом молияси бўйича кадрлар тайёрлаш ва молиявий саводхонликни ошириш зарур.

Ислом молияси халқаро молия бозорларида барқарор ва адолатли молиявий тизим сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Сукук бозори, исломий банклар ва такафул тизимининг ривожланиши жаҳон молия тизимида диверсификация ва молиявий инклюзияни таъминлайди. Кейинги йилларда ислом молиясининг ESG тамойиллари ва “яшил” молиялаштириш билан уйғунлиги унинг глобал аҳамиятини янада ошириши кутилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Dusuki, A. W., & Bouheraoua, S. (2011). The framework of Maqasid Al-Shari'ah (Objectives of the Shari'ah) and its implications for Islamic finance. *Islamic*



- Finance Research Centre*, 1(1), 1–12.
(https://brill.com/display/title/11444?utm_source)
2. Friede, G., Busch, T., & Bassen, A. (2015). ESG and Financial Performance: Aggregated Evidence from More Than 2000 Empirical Studies. *Journal of Sustainable Finance&Investment*, 5(4), 210–233.
 3. Ahmad, A., & Rafique, A. (2021). ESG Investing and Islamic Finance: Convergence and Divergence. *Journal of Sustainable Finance & Investment*, 12(4), 673–692.
 4. Mollah, S., & Zaman, M. (2015). Shari'ah supervision, corporate governance and performance: Conventional vs. Islamic banks. *Journal of Banking & Finance*, 58, 418–435.
 5. Mirzaev, Sh. A., & Beckbaum, C. (2024). Islamic Ethics and Green Finance: A Path to a Sustainable Future. *Sustainable Agriculture Journal*.
 6. Islamic Financial Services Board (IFSB). (2020). *Islamic Finance and Climate Change: Integrating Sustainability in Islamic Financial Institutions*.
 7. Shuhrat ABDULAZIZOV. ESG STANDARTLARI VA ULARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. *International Journal of Finance and Digitalization*. Vol. 3 Issue 01, 2024
 8. Aminova, N. U. Q., Zukhurova, M. S. Q., & Tulagankhujaeva, I. S. Q. (2021). INVESTMENT PROCESS AND INVESTMENT POLICY. *Science and Education*, 2(2), 219–225.
 9. Aminova, N. U. (2021). Development of foreign economic activities in the republic of uzbekistan through attracting foreign investment. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(8), 216–221.
 10. Qizi, A. N. U. (2023). ISSUES OF FINANCING OF INVESTMENT PROJECTS ON THE BASIS OF SYNDICATE LOANING. *Open Access Repository*, 10, 8–14.
 11. Aminova, N. XORIYIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH ORQALI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TASHQI IQTISODIY FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH. Ўзбекистон республикаси суғурта бозори учун кадрлар



тайёрлашнинг ҳозирга ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари, 132.

12. B. Gupta *et al.*, "Channel Modelling for Holographic MIMO-Enabled IOT Devices in 6G Networks," in *IEEE Transactions on Consumer Electronics*, doi: 10.1109/TCE.2025.3594902

13. Nilufar Aminova. (2024). Loyihalarni Islom modeli asosida moliyalashtirishning o'ziga xos xususiyatlari. *Yashil Iqtisodiyot Va Taraqqiyot*, 2(4), 9–16

14. Jumaniyozov, I. T. (2021). The Progressive Foreign Experiments in the Activity of Sovereign Wealth Funds. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 109-116.

15. Jumaniyozov, I. (2018). Impact of Development Finance Institutions on Economic Growth: Implications for Reconstruction and Development Fund of Uzbekistan. *International Journal of Management Science and Business Administration*, 4(2), 84-88.

16. Jumaniyozov, I. (2020). ISSUES OF ENSURING THE TRANSPARENCY OF SOVEREIGN WEALTH FUNDS. *International Finance and Accounting*, 2020(5), 1.

17. Jumaniyozov, I. (2020). FOREIGN EXPERIENCE IN THE ACTIVITIES OF SOVEREIGN FUNDS. *International Finance and Accounting*, 2020(2), 1.

18. Jumaniyozov, I. T. (2021). Transparency Is A Key Indicator Of The Activity Of Sovereign Wealth Funds. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(05), 30-37.